

**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE  
AND INNOVATION OF REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
TASHKENT STATE UNIVERSITY  
OF ORIENTAL STUDIES**

**RESEARCH CENTER FOR THE STUDY OF EASTERN  
CULTURE AND HERITAGE**

**HISTORICAL REALITIES  
AND PHILOSOPHICAL IDEALS: DIALOGUES ACROSS  
DISCIPLINES**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL  
CONFERENCE**

**Tashkent, September 20, 2025**

<b>Khodjimuratova D.</b> Methodological approaches to studying the transformation of political systems in theocratic states.....	134
<b>Azimov K.</b> Problems of shared water usage in the middle east region: a brief history of joint water utilization in the Nile river basin.....	140
<b>Khudayberdiyev A.</b> The role of Iran in the Yemeni civil war.....	148
<b>Abdazimov J.</b> The formation of comprehensive strategic partnership relations between Uzbekistan and China in the new era.....	155
<b>Khubbaliyeva M.</b> Chinese sources and travelogues related to the history of Central Asia.....	164
<b>Rizayev A.</b> Conceptual and theoretical foundations of Arab national identity.....	173
<b>Yodgorov Sh.</b> The impact of radical islamic organizations in Egypt on national security and stability (late 20th - early 21st century).....	185
<b>Tukhtasinova Sh.</b> Causes and consequences of feminist movements in Pakistan.....	197
<b>Kobilova G.</b> Specific features of the soft power strategy in the Republic of Korea's foreign policy.....	203
<b>Sharafova D.</b> Political and social causes in the formation of migration in North African countries.....	210
<b>Taylakov T.</b> Debates about Israeli democracy.....	215
<b>Kalandarov U.</b> Water issue in Iran-Afghanistan relations.....	228
<b>Berdikulov D.</b> Iran's instruments of power in the Middle East region (the case of non-state actors in Lebanon).....	239
<b>Bakhodirxonov U.</b> The "Taliban" factor in Saudi Arabia's relations with Afghanistan.....	244
<b>Rakhmatov Kh.</b> Uzbekistan and The Uae: priority directions and prospects for cooperation.....	248
<b>Akhmadov N.</b> Transnational history and migration.....	256
<b>Khodjimuratova D., Abduolimova D.</b> The impact of religion on Iran's domestic and foreign policy.....	264

### SESSION №3

#### CURRENT ISSUES IN HISTORICAL SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY

<b>Shadmanova S.</b> Through visual sources: research on history and society in Uzbekistan, late 19th – 20th century.....	274
<b>Saidov Sh.</b> Study of Khorezm-Russia relations in the soviet period: approaches and interpretations.....	289
<b>Mirzaev N.</b> The <i>Waqfnama</i> of Mawlana Muhammad Sharif as a primary source for the social history of 17 <sup>th</sup> century Bukhara.....	297
<b>Akhmedov M.</b> Persian sources on the history of India in the pre-mughal period.....	302

**МИСРДАГИ РАДИКАЛ ИСЛОМИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ  
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ТАЪСИРИ  
(XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШИ)**

**Шербек Ёдгоров**

*Тошкент давлат шарқшунослик университети катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** Диний экстремизм, терроризм, радикал ислом, “Мусулмон биродарлар”, миллий хавфсизлик, “Араб баҳори”. **Аннотация:** Мақолада XX аср охири - XXI аср бошларида Мисрда радикал исломий ташкилотларнинг миллий хавфсизлик ва барқарорликка таъсири таҳлил қилинади. Шунингдек, диний экстремизм ва терроризмнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири ҳамда уларнинг тарихий илдизлари очиб берилган. Хусусан, “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг шаклланиши, сиёсий ҳаётга аралашуви, XX асрнинг 80–90-йилларида фаол бўлган “Ислом жиҳоди” ва “Ал-Жамоа ал-Исломия” каби ташкилотларнинг қуроли ҳаракатлари, давлат ва жамият хавфсизлигига қаратилган таҳдидлари кўрсатилган. “Араб баҳори”дан кейин пайдо бўлган “Ансор Байт ал-Мақдис” ва “Ажнад Миср” гуруҳларининг фаолияти орқали мамлакатнинг терроризмга қарши курашидаги мураккаб вазият тасвирланган.

---

**THE IMPACT OF RADICAL ISLAMIC ORGANIZATIONS IN EGYPT ON  
NATIONAL SECURITY AND STABILITY  
(LATE 20TH - EARLY 21ST CENTURY)**

**Sherbek Yodgorov**

*Senior lecturer at Tashkent State University of Oriental Studies*

**Key words:** Religious extremism, terrorism, radical Islam, Muslim Brotherhood, national security, Arab Spring. **Abstract:** The article analyzes the impact of radical Islamic organizations on national security and stability in Egypt during the late 20th and early 21st centuries. It also explores the influence of religious extremism and terrorism on socio-political processes and reveals their historical roots. Specifically, the formation of the Muslim Brotherhood, its involvement in political life, the armed activities of organizations such as “Islamic Jihad” and “Al-Jama'a al-Islamiya” that were active in the 1980s and 1990s, and their threats to state and public security are highlighted. The complex situation

*in the country's fight against terrorism is illustrated through the activities of groups like "Ansar Bayt al-Maqdis" and "Ajnad Misr", which emerged after the "Arab Spring".*

Яқин Шарқ минтақасида фаолият олиб борадиган террорчи ташкилотлар ҳамда радикал диний гуруҳ ва оқимлар ҳақида фикр юритилар экан, улардан келадиган таҳдидларнинг аҳамияти ёлғиз минтақа давлатлари тақдири билан боғлиқ бўлмай, кенг кўламдаги бутун жаҳонда хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига боғланиб кетади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Яқин Шарқ мамлакатларининг миллий хавфсизлик ва барқарорлигига таҳдид солаётган ҳар қандай мутаассиб кўринишдаги ташкилотлар тарихи, йўналишларини илмий-танқидий ўрганиш ҳар қандай таҳдидларнинг қиёфаси ва асл моҳиятини тушунишда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диний экстремизм ва терроризм Яқин Шарқ минтақаси мамлакатлари миллий хавфсизлиги учун энг қадимий таҳдидлардан бири бўлиб келган ва у ҳали "мағлубиятга учраган" эмас. АҚШдаги "Рэнд" (RAND) корпорацияси илмий тадқиқот маркази маълумотларига кўра, Яқин Шарқ минтақасида 1990-2010 йиллар давомида 15 731 террористик ҳужум содир этилганлиги қайд қилинган <sup>1</sup> бўлса, Глобал терроризм индексининг 2018 йил ҳисоботларига кўра (ҳисобот даври 2002-2017 йилларни қамраб олинган), Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақаси дунёнинг бошқа қисмларига қараганда терроризмдан энг кўп зарар кўрган минтақа сифатида эътироф этилган<sup>2</sup>. Мазкур статистик маълумотнинг ўзиёқ минтақадаги вазият нақадар жиддий эканлигини кўрсатиб турибди.

Ш.Ёвқочев Мисрнинг замонавий исломий ҳаракатини 3 та асосий оқимга бўлади<sup>3</sup>:

1. Расмий ислом – маънавий кўринишда бўлиб, давлатга хизмат қилади. Кучли бюрократлашган ва вазият тақозоси билан давлат аппаратининг таркибий қисми ҳисобланади;

2. Сўфийлик – турли тариқат (тасаввуф тушунчалари) издошлари томонидан қўллаб-қувватланади;

<sup>1</sup> Rand Corporation, Database of Worldwide Terrorism Incidents, Incident Date between 1968-01-01 and 2010-01-01, Region = Middle East / Persian Gulf, accessed July 4, 2014; - URL: <http://smapp.rand.org/rwtid/search.php>

<sup>2</sup> URL: <https://www.almasryalyoum.com/news/details/1367905>

<sup>3</sup> Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте: дис. ... канд. полит. наук. –Т: ТашГИВ, 2000. –С. 81.

3. Радикал (сиёсийлаштирилган) ислом – Миср ҳукуматининг энг жиддий рақиби бўлиб, бу оқимга “Мусулмон биродарлар” ташкилоти, ноқонуний ташкилотлар ва гуруҳлар, фундаменталистик жамиятлар ва хусусий масжидларнинг давлатга хизмат қилмайдиган мустақил имомлари фаолият юритади. Ўз навбатида радикал ислом оқимлари ҳам фаолият тури ва йўналишига кўра 3 га бўлинади<sup>1</sup>:

1. “Мусулмон биродарлар” уюшмаси;

2. Асосий вакиллари “Ислом жиҳоди”, “Ал-Жиҳод” ва “Ал-Жамоа ал-Исломия” ташкилотлари ҳисобланган жиҳод оқимлари;

3. “Ат-Такфир вал-ҳижра” ташкилоти каби жамиятдан кетиш ва узлатни тарғиб этувчи такфир йўналиши тарафдорлари.

**1. “Мусулмон биродарлар” уюшмаси (“Муассасат ал-Ихван ал Муслимин”).** Яқин Шарқ минтақасидаги аксарият диний экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг қарашлари ва амалиёти қисман Мисрда пайдо бўлган “Мусулмон биродарлар” ҳаракати томонидан ишлаб чиқилган услубларга бориб тақалган ва унинг ғоялари эса бошқа диний-сиёсий ташкилотлар учун “занжир” вазифасини ўтаган<sup>2</sup>.

“Мусулмон биродарлар” сунний мазҳабидан бўлган энг қадимий ва обрўли ташкилотлардан бири. У 1928 йилда Мисрдаги Исмоилия шаҳрида Ҳасан ал-Банно томонидан тузилган бўлиб, британиялик босқинчиларни қоралайдиган, исломий адолатга чақирадиган халқона ва тушунарли шиорлари билан қисқа фурсат ичида машҳурликка эришди. Ҳасан ал-Банно нафақат Миср, балки бутун мусулмон дунёсини қайта тиклаш мақсадида “Мусулмон биродарлар” ишлаб чиққан ва улар наздида энг мақбул йўл деб топилган дастурни таклиф қилди\*. Шу тариқа, “Мусулмон биродарлар” XX асрда ислом тамойилларини асосланган давлат ва жамият қуришни ўз олдига мақсад қўйган биринчи оммавий ташкилот бўлди.

1938 йилгача “Мусулмон биродарлар” ўзларининг жамиятдаги сиёсий фаолиятини инкор қилиб келган.

<sup>1</sup> Ўша муаллиф, ўша жойда.

<sup>2</sup> Шермухамедов К. XX асрнинг 70–80 йилларида “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг фаолияти. Имом Бухорий сабоклари. 2017, №2. –Б. 22.

\* “Мусулмон биродарлар” ишлаб чиққан дастурда Куръон ва шариатни мусулмон оиласи, шахс, жамият, давлатни тартибга солиш ҳамда бошқаришнинг ягона манбаи сифатида кишилар онгига сингдириш, барча мусулмонлар Муҳаммад (с.а.в.) ва халифалар давридаги асл ислом ҳолатларига қайтишлари зарур экани тарғиб қилинган. Бунда ташкилот ўз олдига гўёки, ислом оламини тозалаш, аввал мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлар ҳудудида “Ислом давлати”ни қуриш, яъни ер юзидаги мусулмонларни бир жамоа этиб бирлаштириш асосий мақсадига айланди.

Экстремистик ғоя ва даъволар таъсирида ташкилотнинг услуги тарғибот ишларидан секин-аста зўравонлик ҳаракатига ўзгара бошлади ва бунда асосий урғу терроризмга қаратилди. Шу даврдан бошлаб, “Мусулмон биродарлар” уюшмаси сиёсий ҳаётда террор усулини кенг қўллайдиган тузилмага айлангани кузатилди<sup>1</sup>. Шундан кейин “Мусулмон биродарлар” “Аллоҳ – мақсадимиз, Пайғамбар – етакчимиз, Қуръон – қонунимиз, Жиход – буюк орзуимиз” деган шиор асосида фаолият юритиб, маркази Мисрда жойлашган мусулмонларнинг ягона “Буюк ислом давлати”ни қуришни асосий мақсад сифатида эътироф этадилар<sup>2</sup>.

1952 йил 23 июль куни Мисрда юз берган инқилоб натижасида мамлакатда монархия қулади ва давлат ҳокимияти Миср инқилобий Кенгаши ихтиёрига ўтди. Экстремистик руҳдаги тузилмаларнинг тарафдорлари аввалига мамлакатда ўтказилган Июль инқилобини олқишладилар, чунки уларнинг наздида гўёки, исломга қарши турган мустабид ҳокимият йўқ қилинган эди. Аммо улар ҳокимият тепасига келган Жамол Абдул Носир (1918-1970)нинг “исломий давлат” эмас, балки дунёвий давлат қуриш ниятида эканини тушунганларидан сўнг, қатор террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб, Мисрда ислом давлатини тузиш бўйича референдум ўтказишни талаб қилди<sup>3</sup>. 1954 йил 26 октябрга келиб, Миср ҳукумати билан “Мусулмон биродарлар” ўртасида ўртасидаги зиддиятлар авжига чиқди. Миср инқилобий Кенгаши раҳбари Жамол Абдул Носирга “Мусулмон биродарлар” томонидан суиқасд уюштирилди<sup>4</sup>. Шундан сўнг ҳукумат ташкилотга қарши аёвсиз кураш бошлади. Уюшманинг уч минг аъзоси ҳибсга олинди, улардан олти нафари қатл этилди. Ҳибсга олинганлар орасида ҳукуматга қарши фитна уюштиришда айбланган Саййид Қутб\* (1906-1966) ҳам бор эди.

Уюшманинг энг ёрқин намояндаларидан бири Саййид Қутб бугунги кундаги радикал исломийлик ғоясининг асосчиси бўлди.

<sup>1</sup> Шермухамедов К. XX-XXI аср бошларида Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг фаолияти. –Т.: ЎзХИА, 2021. –Б. 15.

<sup>2</sup> Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари [Матн]: Масъул муҳаррир: З.Исломов. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. –Б. 113.

<sup>3</sup> Шермухамедов К. XX аср ўрталарида Мисрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва Саййид Қутбнинг диний-экстремистик ғоялари. Имом Бухорий сабоқлари. 2010, №2. –Б. 143.

<sup>4</sup> Ўша манба, ўша жойда.

\* 1954 йилда ҳукуматга қарши фитна уюштиришда айбланган Саййид Қутб 15 йил озодликдан маҳрум қилинган. Орадан 10 йил ўтиб, 1964 йилда С.Қутб Ироқнинг ўша вақтдаги президенти Абдуссалом Ориф воситачилигида, гўёки соғлиғи ёмонлашгани инобатга оlinиб, озодликка чиқарилган. Лекин кўп вақт ўтмасдан у яна ўзининг қабиҳ ишларини давом эттиргани учун 1965 йил август ойида қайта ҳибсга олинган. 1966 йил 29 августда С.Қутб осиб ўлдирилган.

1960-1970-йилларда унинг ғоялари Мисрдан ташқарида ҳам тарқалди ва кўпгина исломий радикал ташкилотлар (мисрлик “Ал-Жиход” ва “Ал-Жамоа ал-Исломиyyа” ҳамда “Ал-Қоида” ва “Ҳизб ат-Тахрир” каби халқаро ташкилотлар)нинг асос тамойили бўлиб хизмат қила бошлади<sup>1</sup>.

1970-1980-йилларда “Мусулмон биродарлар” аъзолари мўътадил ва ўта радикал тоифаларга бўлиниб кетди. Айнан шу даврда ташкилотнинг сиёсий фаолияти кенгайиши ҳам кузатилди. Бунга сабаб Президент Анвар Садат (1970-1981)нинг мамлакатдаги “сўл” кучларга қарши курашда “Мусулмон биродарлар” каби мутаассиб оқимларга нисбатан муросасозлик сиёсатини олиб бориши бўлди. Натижада, исломнинг кескин сиёсийлашуви, “диний ғоялар”ни байроқ қилиб олган янги шаклдаги диний-сиёсий ташкилотларнинг янада авж олишига сабаб бўлди<sup>2</sup>.

Ўтган асрнинг 90-йилларида радикал диний ташкилотлардан фарқли ўлароқ, уюшма Миср жамиятининг турли табақаларида секин-аста ўз позициясини мустаҳкамлаб боради. Уюшма нафақат шаҳарларда, балки чекка қишлоқ жойларида ҳам кучли позицияни сақлаб қолдилар<sup>3</sup>.

XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида ташқи кучлар (айниқса, АҚШ) босими остида Яқин Шарқ давлатлари сиёсий тизимларини демократлаштириш жараёни фонида, “Мусулмон биродарлар”нинг Миср сиёсатига аралаштириш имконияти ошди. Худуддаги демократик жараёнлар тўлқинида “Мусулмон биродарлар” ўзининг “Ислохотлар ташаббуси” деб номланувчи дастури билан чиқди. Ушбу “ташаббус”нинг 2004 йил мартда пайдо бўлиши, америкаликларнинг “Катта Яқин Шарқ” лойиҳасининг фаол муҳокама қилиниш пайтига тўғри келди. Бу лойиҳа худуддаги мамлакатлар, шу жумладан, Мисрда ҳам демократик ислохотларни амалга оширишни кўзда тутган эди<sup>4</sup>.

“Мусулмон биродарлар”нинг ислохотлар зарурлиги ҳақидаги таклифлари Мисрда кенг акс-садога сабаб бўлди. Мамлакатда намоёнлар бўлиб ўтди, унда иштирокчилар ҳукуматдан мамлакатда сиёсий ва конституциявий ислохотларни

<sup>1</sup> Царегородцева И.А. “Братья-мусульмане” и власть в Египте: диалог или противостояние? // Азия и Африка сегодня. – 2010. – №. 5. – С. 32-33.

<sup>2</sup> Шермухамедов К. XX асрнинг 70-80 йилларида “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг фаолияти. Имом Бухорий сабоқлари. 2017, №2. –Б. 23.

<sup>3</sup> Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 268-269.

<sup>4</sup> Царегородцева И.А. “Братья-мусульмане” и власть в Египте: диалог или противостояние? // Азия и Африка сегодня. – 2010. – №. 5. – С. 34.

бошлашни талаб қилишди. 2004 йилнинг ёзида Мисрдаги халқ кўзғолонлари тўлқини “Мусулмон биродарлар” томонидан кўтарилди. 1950 йиллардан бери биринчи марта “Мусулмон биродарлар” фаоллари кўчаларга чиқди. Шундай қилиб, “Мусулмон биродарлар” яна бир бор Миср кўчасининг кайфиятига таъсир қилиши ва ҳатто уларни бошқаришга қодирлигини намойиш этди.

“Мусулмон биродарлар”нинг сиёсий майдондаги навбатдаги қадами 2005 йил декабрида бўлиб ўтадиган парламент сайловларига тайёргарлик кўриш<sup>1\*</sup> ва иштирок этиш бўлди. Барча тўсиқларга қарамай, 2005 йил декабр ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида мустақил номзодлар сифатида қатнашган “Мусулмон биродарлар” тарафдорлари 88 та (тахминан 20%) депутатлик мандатларини қўлга киритди шу тариқа парламентдаги энг йирик мухолифат блокни ташкил этди. Расмий фаолият олиб борувчи бошқа сиёсий партиялар парламентдан фақатгина 14 та жойни эгаллашга муваффақ бўлган<sup>2</sup>.

2011 йилда “Миср баҳори”нинг юз бериши ва Ҳусни Муборак режимининг ағдарилиши натижасида “Мусулмон биродарлари” ҳаракати қонуний деб эътироф этилди<sup>3</sup>. 2011 йилги 28 ноябрдан 2012 йил 11 январгача Миср парламентига сайловлар бўлиб ўтди, унда “Мусулмон биродарлари” иштирок этиш учун 2011 йил 15 февралда “Озодлик ва Адолат партияси”ни ташкил этади (2011 йил 30 апрелда расман эълон қилинади). Сайлов натижаларига кўра парламентдаги жами 498 ўриндан 235 тасини “Озодлик ва Адолат Партияси” қўлга киритади<sup>4</sup>.

2012 йил мамлакат президентидаги учун ўтказилган сайловларда “Мусулмон биродарлари” номзоди Муҳаммад Мурси

\* “Мусулмон биродарлар” томонидан эълон қилинган Сайловолди дастурда “Ислохотлар ташаббуси”нинг асосий қоидалари деярли тўлиқ такрорланди. Мамлакат Конституциясининг 2-моддасида айtilган “Шариат тамойиллари қонунчиликнинг асосий манбаидир” тамойилидан<sup>1</sup> чекинган ҳолда, “Мусулмон биродарлар” ўз дастурида ҳукуматни яна “Ислом йўли” (ал-манҳаж ал-ислом) деб аталмиш қонунлар асосида кенг кўламли ислохотларни бошлашга чақирди. Уларнинг фикрича, “ахлокий ислохот” (ислоҳ ан-нуфус, том маънода: “руҳлар ислохоти”)дан бошлаш керак эди.

<sup>2</sup> Abdullaev N. On features of democratic processes in Arab countries. Scholars Impact: International Multidisciplinary Multilingual Peer Reviewed Research Journal. Vol.7. Issue 3. 2020. –P. 55.

<sup>3</sup> Shariah in Egypt is enough for us,' Muslim Brotherhood leader says // Hürriyet Daily News. <http://www.hurriyetdailynews.com/n.php?n=8220shari8217a-law-in-egypt-is-enough-for-us8221-tells-a-muslim-brotherhood-leader-2011-05-23> - 23 May 2011.

<sup>4</sup> Souaiaia A. Egypt and the Islamists. // FPIF. Foreign Policy in Focus. // [http://www.fpiif.org/articles/egypt\\_and\\_the\\_islamists](http://www.fpiif.org/articles/egypt_and_the_islamists)

51,73% овоз билан ғалаба қозонади<sup>1</sup>. Муҳаммад Мурси 2012 йил 30 июнда ўз ҳукуматини шакллантирди. 2012 йил декабридан бошлаб Миср халқининг Мурси сиёсатига қарши норозилик чиқишлари тўхтовсиз давом этди. Унинг даврида Миср жиддий иқтисодий муаммоларга дуч келди: мамлакатнинг валюта захиралари ва туризмдан келадиган даромади икки баравар камайди, ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат қарзи 90 фоизга, умумий ташқи қарз 49 млрд. АҚШ долларигача ўсди, ишсизлик 13,5 фоиз (маълумот учун, Муборак даврида ишсизлик 8 фоиз атрофида бўлган)га етди. Ҳукуматнинг Халқаро Валюта Жамғармаси билан барқарорлаштириш кредитини олиш бўйича олиб борган келишувлари ҳамда бюджетни мувозанатлаш учун қилган барча уринишлари натижа бермади<sup>2</sup>.

2013 йил 30 июнда Муҳаммад Мурси президент бўлиб сайланганига 1 йил тўлиши муносабати билан уни тантанали нишонламоқчи эди. Бироқ шу куни Қоҳира, Искандария ва бошқа шаҳарларда миллионлаб кишилар Мурсининг истеъфосини талаб қилдилар, “Биродарлар”нинг жойлардаги идораларига хужумлар уюштирдилар. 1 июль куни Миср ҳарбий раҳбарияти номидан Мудофаа вазири Абдулфаттоҳ ас-Сиси Президент Мурсидан 48 соат ичида мамлакатда осойишталик ўрнатишни талаб қилди. Президент Мурси бу талабни бажара олмагач, 3 июль куни армия ҳокимиятни ўз қўлига олди ва “Мусулмон биродарлар” вакиллари ҳокимиятдан четлаштирди<sup>3</sup>.

**2. “Ислом жиҳоди”, “Ал-Жиҳод” ва “Ал-Жамоа ал-Исломия”.** XX асрнинг 80-йилларида кўпгина мисрлик экстремистлар учун “Ислом жиҳоди” ҳаракати етакчиси Муҳаммад Абдул Салом Ал Фаррожнинг “Унутилган бурч” ва бошқа китоблари асосий ғоявий қўлланма бўлиб хизмат қилди. Ал-Фаррож, хусусан, “куч – ислом қайта туғилиши учун асосий йўл” деб ҳисоблар эди<sup>4</sup>.

XX аср 90-йилларида Мисрнинг энг кўзга кўринган экстремистик ташкилотлари сирасига “Ислом жиҳоди” ва “Ал-Жамоа ал-Исломия”ни киритиш мумкин. Қарашлар муштараклигига қарамасдан, 1994 йилда бу ташкилотлар

<sup>1</sup> Islamic presidential candidate promises democracy in Egypt. // [http://articles.cnn.com/2012-06-15/middleeast/world\\_mcast\\_egypt-election-morsi\\_1\\_prime-minister-ahmed-shafik-islamic-muslim-brotherhood?\\_s=PM:MIDDLEEAST](http://articles.cnn.com/2012-06-15/middleeast/world_mcast_egypt-election-morsi_1_prime-minister-ahmed-shafik-islamic-muslim-brotherhood?_s=PM:MIDDLEEAST) - 15 June 2012.

<sup>2</sup> Куракин М. Пять лет без Мубарака. Египет в поисках собственного пути. // <https://lenta.ru/articles/2016/02/10/aftermoubarack/>

<sup>3</sup> Революция в Египте: военная перезагрузка. // <https://ria.ru/20130704/947487407.html>

<sup>4</sup> Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 253.

тарқалиб кетди. 70-йиллар охирида ташкил топган “Ал-Жамоа ал-Исломия” гуруҳи 1987 йилларда ўзини фаол намоён қила бошлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар маълумотига кўра, 90-йиллар ўртасида “Ал-жамоа” аъзолари 15-20 минг кишидан иборат эди. Асосий ҳаракат ҳудуди – Жанубий Миср, Ал-Мина, Асьют, Кена вилоятлари бўлган. Ташкилот кичик қишлоқларда деярли очикдан-очик ҳаракат қилар, Афғонистон, Баҳрайн, Дания, Покистон, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Швейцария, Сурия, Туркия, АҚШ ва Ямандаги экстремистлар билан мустақкам алоқада эди. Ташкилотнинг дастури – Мисрда ислом давлатини ўрнатиш эди. 1996 йилда “Ал-жамоа” бутун дунё мусулмонларига мурожаатнома тарқатди, унда бутун дунёдаги АҚШ элчихоналари ва вакилларига зарба бериш ҳақида қасам ичди. “Ал-жамоа”нинг руҳоний етакчиси Шайх Умар Абдул Раҳмон Хусни Муборакни ўлдириш фатвосини берган. 1992 йилда Шайх Умар яна бир фатво берди, унда мисрлик экстремистларнинг парламентга сайланишини таъқиқлади. 1990 йилдан бошлаб Шайх Умар АҚШда яшади, 1995 йилда “Америка ҳукуматига жиҳод қилишга чақиргани” ҳамда АҚШ ҳудудида бир қатор портлаш, суиқасдларни амалга оширгани учун бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. У 1993 йилда Нью-Йорк марказида Халқаро Савдо Марказида содир этилган портлаш ташкилотчиларидан бири саналади<sup>1</sup>.

Жангарилар полиция идораларига, давлат хизматчилари, ҳарбийлар, муҳофаза идоралари ходимлари, коптлар, чет эллик сайёҳлар, экстремистларни танқид қилган ҳар қандай кишиларга қарши қуролли босқинчиликни амалга оширар эдилар. 90-йилларда Мисрда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларнинг кўпчилигини айнан “Ал-жамоа” жангарилари амалга оширишган. Ташкилот яширин фаолият олиб бориши билан бир қаторда ижтимоий фаолият ҳам олиб бориб, масжидларда очик тарғибот қилади. Бу ташкилот коптларни очикдан-очик ўзининг душмани деб эълон қилган ягона ташкилот ҳисобланади. 1995 йилда Хусни Муборакнинг ҳаётига омадсиз суиқасд уюштирганидан сўнг, хавфсизлик идоралари томонидан мақсадли чора-тадбирлар олиб борилганидан кейин ташкилотга жиддий зарар етказилди. Ташкилот чет элдаги марказлар томонидан бошқариладиган икки фракцияга бўлинди. 1999 йил мартада “Ал-жамоа ал-исломийа” Мисрда ҳам, Мисрдан

<sup>1</sup> Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 253.

ташқарида ҳам қуролли терактларни амалга оширишни тўхтатгани ҳақида эълон қилди. Бу қадам қамоқда ётган олтита етакчининг чақириғи асосида амалга оширилди. Бу қарор Мисрда ислом жангарилари иштирокидаги бир неча кўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилганидан кейин расмда бўлган “эълон қилинмаган ярашув”нинг мантиқий давоми бўлди. Шу билан бирга, ташкилот куч ишлатиш усулларида тўла-тўқис воз кечмаган, деган фикрни айтиш учун асос ҳам бор. У қайта гуруҳлаштириш ва куч тўплаш учун тактикасини ўзгартирган бўлиши мумкин. Ҳукумат билан ярашувни амалга ошириб, жангарилар сафдошларини қамоқдан чиқариш, чет элга қочқинларга ўз ватанига қайтиб, тинч аҳоли орасида ишлаб юришига рухсат беришини кўзлаган эдилар.

“Ислом жиҳоди” ташкилотининг илдизлари XX асрнинг 70-йилларига бориб тақалади. Ташкилот аъзолари асосан, “муқаддас уруш” тарғиботи билан шуғулланганлар ва бу тарғиботда Мисрдаги мавжуд давлат ва сиёсий тузумни ағдариш лозимлигига урғу берилган. Ташкилот ўз номини “Музаффарият етакчиси” деган номга алмаштиргани хусусида хабарлар мавжуд. Баъзи маълумотларга кўра, 1999 йил охирида “Ал-жиҳод”нинг собиқ аъзоси адвокат Мамдуҳ Исмоил экстремистлар гуруҳининг янги – “Ҳизб аш-Шариа” ташкилотини тузиш, исломий қарашларни сиёсий жиҳатдан қонунлаштириш истагини маълум қилган. 90-йиллар бошида “Ал-жиҳод” ташкилоти ҳам радикал, ҳам мўътадил тарздаги майда гуруҳларга бўлиниб кетиб, бутун гуруҳ сифатида мавжуд бўлмай қолган. Илгари ҳам “Ал-жиҳод” яхлит ташкилот бўлмай, бир неча гуруҳларнинг бирлашмасидан ташкил топган.

“Араб баҳори”дан кейин Мисрда фаолият юритаётган террорчи ташкилотлар. Мисрда “Араб баҳори”дан сўнг фаолият юритаётган иккита асосий террорчи гуруҳ мавжуд: “Ансор Байт ал-Мақдис” (АБМ) ва “Ажнад Миср”. “Ансор Байт ал-Мақдис” Синайда жойлашган гуруҳ бўлиб, Ташкилот етакчиси “Ироқ ва Шом Ислом Давлати” (ИШИД)га содиқлигини расман эълон қилгач, 2014 йилдан “Синай вилояти” (“Wilayat Sinai”) деб атала бошланган. АБМ Синайда энг фаол бўлса-да, Мисрда, ҳатто Қоҳирада ҳам ҳужумлар ўтказиш қобилиятини намойиш этди. “Ажнад Миср” Қоҳирада жойлашган террорчи гуруҳи бўлиб, Қоҳира марказидаги қатор ҳужумлар учун масъулиятни ўз зиммасига олган ва асосан ҳукумат ва хавфсизлик мақсадларига қаратилган (АҚШ Давлат департаменти, 2015 йил).

**“Ансор Байт ал-Мақдис”.** АБМ Исроил манфаатларига қарши кўплаб ҳужумлар, жумладан, 2012 йил июлида Исроилга газ экспорт қилувчи Синай қувурига қилинган ҳужум ва 2012 йил августида Исроилнинг жанубидаги Эйлат шаҳрига ракета ҳужуми учун жавобгарликни ўз зиммасига олди. 2013 йил октябр ойида АБМ эл-Тор шаҳридаги Жанубий Синай хавфсизлик бошқармасини нишонга олган худкуш портлаши учун жавобгарликни ўз зиммасига олди, натижада уч киши ҳалок бўлди ва 45 дан ортиқ киши жароҳатланди. 2014 йил январь ойида АБМ Миср ҳарбий вертолётини ракета ҳужуми натижасида уриб туширди, бортдаги беш аскар ҳалок бўлди; шунингдек, Қоҳирада автомобилларга ўрнатилган бомба ва кўл гранаталари билан боғлиқ тўртта ҳужум учун жавобгарликни ўз зиммасига олди, натижада олти киши ҳалок бўлди ва 70 дан ортиқ киши жароҳат олди, уларнинг аксарияти тинч аҳоли вакиллари эди<sup>1</sup>.

АБМ ҳукумат амалдорларига ҳам ҳужумлар ташкил қилди: 2013 йил сентябрида Миср ички ишлар вазири ва 2014 йил январида Ички ишлар вазирининг техник идораси раҳбарига суиқасд уюштирилди. 2014 йил февралда Синай ярим оролида саёҳат автобусининг портлаши, мисрлик ҳайдовчи ва уч жанубий корейлик сайёҳнинг ўлими учун АБМ масъулиятни ўз зиммасига олди, бу уларнинг хорижлик сайёҳларга қарши биринчи ҳужуми эди<sup>2</sup>.

2014 йил октябрь ойида АБМ Исроил учун жосуслик қилган деб даъво қилган тўрт кишининг бошини кесиб ташлади. Октябр ойида ҳам АБМ хавфсизлик назорат пунктига ҳужум уюштирганини, 26 дан ортиқ Миср аскарлари ҳалок бўлган ва 26 киши яраланган, шу жумладан тинч аҳоли ҳам бўлганини даъво қилган.

Тахминларга кўра, АБМ Синайда бир неча юзлаб жангчиларга ва Нил водийсидаги филиалларга эга. АБМ операциялари Синай ярим оролидан ташқарида жойлашган бўлса ҳам, гуруҳнинг кўлланиши Қоҳира ва Мисрга оид Нил водийси ва Ғазо чегарасигача чўзилган. АБМ молиялаштириш манбаси кўп жиҳатдан номаълум бўлсада, АБМ ташқи субъектлардан маблағ олиши мумкинлигига ишоралар мавжуд (АҚШ Давлат Департаменти, 2015).

<sup>1</sup> Kaya Z. Letting go: de-radicalization in Egypt //Journal for Deradicalization. – 2016. – №. 6. – P. 97.

<sup>2</sup> Ўша манба, ўша жойда.

“Ажнад Миср”. Катта Қоҳира худудида фаолият юритувчи ягона террорчилик гуруҳидир. 2014 йилнинг 23 январида Ажнад Миср ўзининг борлигини твиттер орқали эълон қилган. Шу вақтдан бери “Ажнад Миср” Мисрда Синай ярим оролидан ташқарида фаолият юритаётган энг фаол террорчи гуруҳ бўлиб келган<sup>1</sup>.

“Ажнад Миср”нинг Мисрда фаолият юритаётган бошқа террористик гуруҳлардан фарқи шундаки, у Ислом халифалигини барпо этишни тўлиқ талаб қилмайди. Гуруҳ, шунингдек, 2011 йил 25 январдаги инқилоб тилини ишлатиб, «инқилоб мақсадлари» амалга ошмаганидан нолийди.

Бундан ташқари, баъзи бошқа жиҳодий гуруҳлардан фарқли ўлароқ, “Ажнад Миср” тинч аҳолига, ҳатто гуруҳга муҳолиф бўлганларга ҳам хайрихоҳлик билан қарайди. “Ажнад Миср” ўз душманликларини асосан давлат иштирокчиларига қаратишини даъво қилмоқда. Гуруҳ жиноятчи сифатида кўрган алоҳида шахсларни нишонга олади; Бунга 2014 йил 23 апрелдаги ҳужумда ҳалок бўлган ва террор ташкилоти мисрлик ёшларни ҳибсга олиш ва қийноқларга солишда айблаган бригада генерали Аҳмад Заки ҳам бор эди<sup>2</sup>.

2014 йилнинг 2 апрелида “Ажнад Миср” Қоҳира университетидан қатор портлашларни амалга ошириб, бир полициячини ўлдирган ва бошқаларни яралаган. Мурсийнинг ҳокимиятдан четлатилишини талаб қилган оммавий норозилик намойишларининг йиллиги муносабати билан “Ажнад Миср” Гелиополисдаги Иттиҳадея саройи олдида қатор портлашлар уюштиришни режалаштирган. Ички ишлар вазирлигининг портловчи моддалар бўйича мутахассиси портлаган портловчи моддани зарарсизлантиришга уринаётганда ҳалок бўлди ва бошқа ходимлар яраланди. Бир соатдан кейин иккинчи бомба портлаб, полициячи яраланган. Учинчи портлашда портловчи мосламани зарарсизлантиришга уринаётган яна бир портловчи моддалар бўйича мутахассис ҳалок бўлди. “Ажнад Миср” ушбу ҳужумларни ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилган ва кейинчалик тинч аҳоли қурбонларини камайтириш учун баъзи қурилмаларни зарарсизлантирганини даъво қилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> The Tahrir Institute for Middle East Policy. (2015). *Ajnad Misr*. Retrieved 09-13-2015, from The Tahrir Institute for Middle East Policy: <http://timep.org/esw/profiles/terror-groups/ajnad-misr/>

<sup>2</sup> Kaya Z. Letting go: de-radicalization in Egypt //Journal for Deradicalization. – 2016. – №. 6. – P. 99.

<sup>3</sup> The Tahrir Institute for Middle East Policy. (2015). *Ajnad Misr*. Retrieved 09-13-2015, from The Tahrir Institute for Middle East Policy: <http://timep.org/esw/profiles/terror-groups/ajnad-misr/>

Юқоридаги таҳлилларга таянган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин:

*Биринчидан*, Мисрдаги радикал исломий ҳаракатлар муайян тарихий, ижтимоий ва сиёсий шароитлар туфайли пайдо бўлган мураккаб тузилмалар бўлиб, уларнинг вужудга келишида мустамлакачилик мероси, мафкуравий бўшлиқ, давлат ва жамият ўртасидаги зиддиятлар асосий омил сифатида хизмат қилган. “Мусулмон биродарлар” ҳаракати тарихий эволюцияси давомида радикаллашув ва сиёсийлашув жараёнини бошидан кечирган, бу эса унинг кейинги террорчи тузилмалар учун идеологик манбага айланишига сабаб бўлган.

*Иккинчидан*, таҳлиллар Мисрдаги террорчи ташкилотларнинг кўпорувчилик фаолияти вақт ўтиши билан ўзгариб бурганини кўрсатади: биринчи босқичда давлат амалдорларига, иккинчи босқичда халқаро туризм ва иқтисодий объектларга, учинчи босқичда давлат институтларига қарши қарши ҳужумлар юз берган. Бу ўзгаришлар Миср ҳукуматидан терроризмни ҳар бир даврида унга мос кураш стратегиясини шакллантириш зарурлигини кўрсатган.